

АССОЦИАЦИЯ ВА АССОЦИАТИВ ТАЖРИБАЛАР МОҲИЯТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7235073>

ELSEVIER

Холбекова Матлубахон
ФарДУ катта ўқитувчиси
Фергона,
Ўзбекистон.



Foundation of Advanced Research Scholar's

Received: 20-10-2022

Accepted: 21-10-2022

Published: 22-10-2022

Abstract. Ушбу мақолада ассоциация ва ассоциатив майдонлар, уларнинг тажриба назариясига бағшланган илмий тадқиқотлар ва тадқиқот олиб борган жаҳон олимлари, уларнинг ушбу соҳадаги фикр ва қарашларига ўзига хос тарзда муносабат билдиришга ҳаракат қилинган.

Keywords: ассоциация, усул, тажриба, назария, усул, стимул, объект, субъект, прагматика, омил, назария, қарашлар, реакция, биологик характер, психология, миллат, вербал, алоқа ...

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Бизга маълум бўлишича, ассоциацияларни текширишда турли тажриба усулларидан фойдаланилган. Бунда тадқиқотчиларнинг, асосан, ушбу усулни кўрсатиб беришимиз мумкин бўлади. Булар, эркин ассоциациялар, йўналтирилган ассоциатив тажриба ва занжирли тажрибаларда текширилувчига ҳар қайси сўз-реакцияси орқали онгига келган сўзлар қатори билан жавоб бериш тавсия этилади.

Ассоциатив тажрибаларга, айнан, лингвистик ва прагматик омиллар таъсир кўрсатади. Лингвистик омил- сўз-стимуллар, прагматик омил - текширилаётган киши ёки субъектдир.

Олмониялик олим Р.Готтсданкер тажриба жараёнида содда усулдан фойдаланиш ижобий натижаларга олиб келишини таъкидлаган,[1.] чунки тажриба қанча мураккаб усулда олиб борилса, натижалар шунча сунъий бўлиши кузатилган. Тадқиқотчилар тажрибадан ўтказилаётган кишиларнинг нафақат ижтимоий-биологик характери ҳамда психологик ҳолатини, балки тажриба олиб борилаётган жой, текширилаётганларнинг сони, об-ҳаво ва бошқа шу каби ташқи вазиятларни ҳам эътиборга олиш лозимлигини кўрсатади [1.].

Т.А.Ершова ўз тадқиқотида немис ва рус миллатига мансуб кишиларнинг ассоциатларини аниқлашда ассоциатив тажрибанинг иккита, яъни ёзма ва оғзаки туридан фойдаланиб, ушбу миллатлар ўртасидаги фикр юритиш тарзига хос фарқни кўрсатиб берди. Немис халқига мансуб шахслар ёзма, руслар эса оғзаки шаклдаги тажрибадан ўтишни афзал кўрди.

Ушбу жараённи Е.И.Горошконинг тадқиқотларида кузатиш мумкин. Мазкур тажрибада текширилаётган кишиларга берилган сўзга хаёлига келган

фақат битта сўз билан жавоб бериш тавсия этилди. Бу тажриба орқали жамоавий ассоциатив майдоннинг вербал алоқаларини кузатиш имкони яратилди. Энг кўп такрорланадиган сўзлар орқали ўрганилаётган тилининг муайян архисемали лексемалари ассоциатив майдонларининг ядро қатлами шакллантирилади. Шу билан бирга ушбу тилининг муайян тушунчаси остида бирлашган сўзлар луғати яратилади.

Шунингдек, иккинчи ассоциатив тажрибада эса, асосан, ассоциацияларнинг индивидуаллик моҳиятига эътибор қаратилиб, индивидуал жавоблар қандай тарзда вужудга келиши ва уларга таъсир қилувчи омиллар аниқланиши кузатилади. Индивидуал ассоциациялар хусусиятларини ифодалаш учун занжирли ассоциатив тажрибалардан фойдаланиланиш мумкин бўлади. Брок, рус олимларидан А.А.Леонтьев ва Ю.Н.Караулов каби айрим тадқиқотчилар ушбу усулни эркин ассоциатив усулнинг бир тури сифатида қарайдилар. Текширилаётган кишиларга берилган сўзларга мос келувчи хаёлига келган ҳар қандай сўзни ёзиш тавсия этилади. Улар ўз тасаввурлари доирасида берилган топширикни имкониятлари даражасида бажаришлари кузатилади. Тажрибада нафақат муайян бир сўзнинг реакциялари, балки қатор сўзларга реакциялар келтирилганлиги сабабли занжирли ассоциатив тажрибани шаклланишига туртки бўлиши мумкин.

Учинчи тажриба эса занжирли ассоциатив тажрибанинг яна бошқа тури бўлиб, текширилаётган кишиларга ҳар қайси берилган сўзга хаёлига келган сўз билан жавоб бериш тавсия этилади ва шу тарзда кейинги сўз ортидан қатор сўзларни эргаштирган ҳолда занжир ҳосил қилиниши кузатилади. Ушбу тажриба орқали сўзлараро алоқалар ҳамда кетма-кет келтирилган сўзлар қаторида мазмуний уяларни ажратишга ва шу тариха индивид онгида жойлашган сўзлар уясининг ўзига хос хусусиятларини таърифлашга имкон яратилади.

Фердинанд де Соссюр парадигматик ва синтагматик муносабатларни таърифлар экан, парадигматик муносабатларни ассоциатив муносабат тарзида изоҳлайди.

Ҳозирги даврда ассоциациялар тадқиқига доир адабиётлар талайгина. Аксарият тадқиқотчилар ассоциацияларни турли тасниф ва гуруҳларга ажратишни лозим топади. Ассоциацияларни гуруҳлаш ва таснифлашда грамматик алоқалар, мазмуний алоқалар, шахс тадқиқи каби масалалар эътиборга олинган. Тадқиқотчилар ассоциацияларни гуруҳ ва синфларга ажратишда нафақат лисоний, балки прагматик ва когнитив аспектларга эътибор қаратган.

Ш.Балли ҳар қайси шахсда ассоциатив гуруҳлар миқдори ва ҳажми турлича бўлишини таърифлаган [2.].

Е.И.Горошконинг фикрича, ассоциатив тажрибалар жараёнида тадқиқотчилар ассоциацияларнинг таснифлаш муаммоларига дуч келган ва ҳозирги кунда меъёр сифатида мукамал тасниф мавжуд эмас. Кўп тадқиқотчилар ассоциациялар гуруҳи ва синфини белгилашда вазифа ва мақсадни аниқ қўймаган. Шунинг учун ассоциациялар тадқиқида турли далилсиз ва тушунарсиз гуруҳлар ҳам қайд этилган. Е.И.Горошко ассоциациялар билан боғлиқ таснифларнинг асосий тури ва хилини тасвирлаган. Таснифлар сони тадқиқотчилар ва улар томонидан бажарилган тадқиқотлар сонига тенглашади [3.]. Буларнинг орасида лисоний, психологик, психолингвистик ва мантикий жихатдан изланишлар, шунингдек, бундан келиб чиққан таснифлаш тури кўрсатилиши лозим, деб ҳисобланади. Миллатлараро муносабатлар ривожланиши билан ассоциацияларнинг ўрганилишида маданиятлараро ассоциатив таснифлаш ҳам вужудга келган бўлиб, бунда тилшунослик, психология ва мантик соҳаларнинг ўзаро бирлашган тамойилларини ишлаб чиқиш ва риоя қилиш керак бўлади [4]. Бундан ташқари, ушбу ишда психолингвистиканинг янги йўналиши бўлган нейролингвистика соҳаси масалаларига яқин ёндашган ҳолда, ассоциацияларнинг нейролисоний таснифини яратиш лозим, деб топилди.

Е.И.Горошко ўз тадқиқотларида ассоциацияларнинг таснифи ва гуруҳланиши ҳақида батафсил маълумот берган. Қуйида улардан айримларини келтириб, ассоциациялар борасида изланишлар қай тарзда олиб борилганлиги ҳақида изоҳ бериб ўтамиз.

Маълумки, ассоциацияларнинг биринчи таснифи қадимда юнонлар томонидан амалга оширилган бўлиб, хусусан, Платон уларни яқинлик ва ўхшашлик, Арасту эса яқинлик, ўхшашлик ҳамда зиддият бўйича гуруҳларга бўлишга уринган. Ассоционизм тарафдори Т.Гоббс ҳамма ассоциацияларни яқинлик бўйича битта гуруҳга киритган. Кейинроқ ушбу фикр тарафдорлари Д.Локк, Д.Гартли ва Д.Мил ушбу таснифни кенгайтirdи[5.].

Эркин ассоциатив усул тажрибасининг асосчиси Ф.Гальтон сўз-стимул ва сўз-реакцияларни уч гуруҳга бўлиб, улар сенсор тасаввур, ҳиссиёт ва мавҳум лексикани ташкил қилишини таъкидлаган.

М.Траутшольдт ассоциацияларнинг таснифига илк бор мантикий жихатдан ёндашди ва уларни иккита, яъни ички ва ташқи гуруҳларга бўлди. Ташқи ассоциацияларга сўзларнинг грамматик шакли асос бўлса, ички ассоциацияларни эса тур-жинс муносабатлари асосидаги тушунчалар ташкил қилади. Кўриниб турибдики, М.Траутшольдт ассоциацияларни мантикий

жихатдан ёритган бўлса-да, таснифни тўлиқ ва мукамал деб бўлмайдди, бу тасниф сўзларнинг ассоциатив майдон ёки гуруҳ шакллантиришини етарлича изохламайдди. Айнан тилшунослик ва сўз туркумларига тааллуқли ассоциатив таснифни Х.Мюнстерберг томонидан ўтказилган тажрибада кузатиш мумкин.

Кейинчалик Бурдо, К.Траутшольдт, Э.Крепелин, Г.Ашаффенберг, Т.Циген, Р.Вудвортс каби олимлар ҳам тилшунослик соҳасига тааллуқли ассоциатив таснифларни тавсия этиб, ўз тадқиқотларида грамматик, фонетик ҳамда лексик ассоциацияларни ажратишган.

А.Тумб ва К.Марбе томонидан яратилган тасниф алоҳида эътиборга эга бўлиб, ушбу таснифда олимлар ассоциацияларни психологик ва лисоний омилларни бирлаштирилган ҳолда ўрганишни тавсия этиб, ассоциацияларни нафақат психик, балки лингвистик жараённи ифодалайдиган ҳодиса сифатида тўғри талқин этишган. Ушбу тадқиқотчилар берилган сўз ва ассоциат ўртасидаги алоқаларни турли сўз туркумларига мансублигини таъкидлаб, парадигматик ва синтагматик ассоциацияларга асос солишди.

Ўтган асрнинг 60 йилларида ушбу таснифларга мазмуний тамойиллар асосида вужудга келган ассоциациялар киритилди. Шу билан бирга, эркин вербал ассоциациялар алоқалари ўрганилишига эътибор қаратилиб, Д.Диз ассоциация алоқаларининг ички модел тизимини яратди. Ассоциациялар таснифининг ушбу босқичида тадқиқотчиларнинг мақсади аниқлашишувига сабаб бўлди.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Горошко Е.И. Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента.<http://www.google.com.tekstologya.ru>: Готтсданкер Р. Основы психологического эксперимента: Учебное пособие. Пер. с англ. – М., 1982 – С.464
2. Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Изд-во иностр. лит., 1955.
3. Горошко Е.И. Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента. <http://www.google.com.tekstologya.ru>.
4. Залевская А.А. Психолингвистическое исследование принципов организации лексикона человека. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. -Л., 1980.
5. Локк Дж. Опыт о человеческом разуме.- М., 1898; Hartley, D., Observations on Man, his frame, his duty and his expectations.- London, 1749, part 1.

6. Курбонова М.О. Мустақиллик даври достонлари лингвопоэтикаси. Халқаро “Классик” ишприёти, 2022, 151б.
7. Kurbonova M.O. Aesthetical and philosophical views in the hermeneutical features of the independence poems. Восточный журнал социальных наук. Том 2, выпуск №05. <https://www.supportscience.uz/index.php/ojss/article/view/284>
8. [h p /ojss /article/view/284](https://www.supportscience.uz/index.php/ojss/article/view/284)